Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

*1931 йилдан чиқа бошлаган* — **1998 йил 18 март, чоршанба** — Баҳоси сотувда эркин нархда — № 20 (7017)

*Da'vat*

**Аминманки, соғлом фикрсиз бахтга эришиш мумкин эмас.**

Рюноскэ АКУТАГАВА

*Ibrat*

**Навоий шаҳар ҳокимлиги мактаб ўқувчиларининг кўнгилли дам олишларини таъминлаш мақсадида «Ёш томошабинлар театри»ни ташкил этиб, унга малакали мутахассис ва тажрибали санъаткорларни жалб этди.**

*Navro'z xislatlari*

**Кўкламойим йўлга чиққан.**
**Кўкламойим қўзғалган,**
**Кўк кўйлакнинг битишига, унча кўп**
**ҳам қолмаган!**

Ҳа, Олам эгнига киядиган кўк кўйлакнинг битишига оз қолди — баҳорнинг илк кунлари бошланди. Табиат ясаниши балоғатга етаётган қизнинг илк пардоз-андозидаги тажрибасизлигига ўхшайди, гўё. Ҳамма-ҳаммаси соф ва самимий. Айниқса, илк баҳор тонгларини айтинг! Тун билан кун қоришиб кетган ва барча мудрагану уйғонаётган нарсалар аралашиб кетган каби туюлади. Ушмундай айқаш-уйқаш бир ҳолатда кўнгилда қандай ажойиб туйғулар, эзгу-эзгу ниятлар туғилишини айтмайсизми!..

Баҳор дарагини оламга ёйиш учун музларни ёриб чиққан бойчечакнинг ифори янглиғ беғубор ва жарангдор сатрлар муаллифи, шоир Чўлпон, юқоридаги шеъри сўнгида армон билан шундай ёзганди:

**Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,**

лари зарварақларининг қаът-қаътларида ҳам қадим аждодларимизнинг Наврўз қувончлари изи, садоси бор.

**«Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади»** дея ўтмиш қаъридан биз авлодларига насиҳат қилади жаҳонгир бобомиз Амир Темур. Демак, Олам гулшанини чароғон айлаган табиатнинг бу мунаввар фаслида жаҳон гулшани ҳам обод бўлади. Чунки, минг-минг йилларки, уйғониш ва яшариш байрами бўлмиш Наврўз ўзида инсонларнинг бир-бирига меҳр-мурувват, адлу эҳсон кўрсатиш, етим-есирлар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш анъаналарини ҳам мужассам айлаган. Шул боисмикан, бу байрамда «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ҳам бир қатра бўлса-да, ўзгалардан меҳр топади.

**«Наврўз меҳр-мурувват айёми»,** — дея таъриф беради мамлакатимиз раҳбари, халқимизнинг бугунги одил йўлбошчиси Ислом Каримов. — **Инсон ҳамиша**

# МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

**Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,**
**Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!**

Шоир армонлари ушалган, «юртимга ҳам бир кўкариш келган» ва «дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирган» бугунги дамларга шукроналар айтиб, ич-ичимдан бир ҳақиқатга амин бўламан: Инсоннинг қалби бўлгани каби халқнинг ҳам қалби бўлар экан. Инсон ўз қалбида ҳеч қачон унутолмаган ёхуд ҳамиша ардоқлаган армонларию қувончлари бўлгани каби халқнинг ҳам қалбида унутилмас ва ардоқли хотиралари, удумлари, анъаналари ва байрамлари бўлар экан. Юртга бир кўкариш келиши ҳамоно халқнинг қалбидаги хотиралар, удумлар, анъаналар ва бир пайтлар таъқиқлаб қўйилган, гўё «Навбаҳор» байрами ўйлаб топилган бўлса-да, янги ном ва тартибларни ўзига сингдирмай ётган байрамлар — НАВРЎЗлар жонланиб келаверар экан. Мана шундай ўз аъмолига содиқ халқ экан бу! Тўмарислари каби ақлли ва суюкли, Алпомишлари каби паҳлавон экан бу ХАЛҚ!

Бу халқ олам яшаришини, Наврўзни бугун қандай илҳақ бўлиб кутган ва унинг ташрифидан нечоғлик қувонаётган, уни тантана билан нишонлаётган бўлса, бундан минг-минг йиллар аввал ҳам шундай кутган, қувонган ва байрам қилган бўлиши, шубҳасиз. То бу кўҳна дунё офарида бўлмишки, бу халқ яралмишки, унинг қалбида Наврўз аталмиш қувонч, муқаддас байрам ҳам мангу макон топиб яшайди. Зеро, тарих китоб-

**табиатга ошиқади. Чунки одамзод табиат қўйнида покланади, унда олижаноблик, меҳрибонлик хислатлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Наврўзда кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одатига айланган».**

Наврўзнинг энг муҳим хислати унинг уйғониш, яшариш ва меҳр-мурувват айёми эканлиги бўлса, иккинчи хусусияти унинг энг қадимий ва энг миллий байрамимиз эканлигидир. Умар Хайём, илк бор «Каюмарс йил ҳисобининг бошланиши сифатида бу кунни жорий этганлиги» хусусида ўз асарларида ёзиб қолдирган. Каюмарс — зардуштийларнинг олам яратилиши ҳақидаги афсоналарига қараганда — биринчи одам. Демак, Наврўз тарихи — инсоният тарихи қадар кўҳнадир. Неча-неча қатағонлардан омон чиқиб келганлиги, халқ қалбининг энг мўътабар жойидан ўрин топганлиги эса, Наврўзнинг чинакам миллий байрамимиз эканлигидан далолатдир.

Қувонарлиси, халқимизнинг энг қадимий ва энг миллий, ардоқли бу байрами бир кунлик эмас. Ва бир ойлик ҳам эмас. У бутун фасл давом этади. Баҳор фасли, том маънода Наврўз фаслидир. Бу фасл қолдирган таассуротлар бу фаслда тозарган дилларимизни йил бўйи тарк этмагай. Янги-янги Наврўзлар умиди билан лиммо-лим кўнгиллардан тилларга бир ният қалқиб чиқади: «Илоҳо, янаги Наврўзларгача тус-тугал, соғ-омон етиш насиб этсин!»

**Икром ИСКАНДАР**





- **Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Малайзия» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 17 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан янги қийматини белгилади, унга кўра 1 АҚШ доллари 83 сўм 83 тийинга тўғри келди.**

# JUMLADA JAHON

- **Яқинда Тожикистон Бош вазирининг биринчи муовини қилиб тайинланган Ҳожиакбар Тўражонзода республика олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб, Тожикистон Марказий Осиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиш лозимлигини билдирган.**
- **Қаттиқ шамоллашдан азият чекаётган Россия Президенти Борис Ельцин Москва яқинидаги Горки қароргоҳида даволанмоқда.**
- **Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳри яқинида афғон ҳукуматига қарашли генерал Дўстум армияси ҳамда Ислом бирлиги партияси қўшини ўртасида қақшатқич жанглар кетмоқда.**
- **Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу-Дабида очилган жаҳондаги энг йирик қурол-яроғ савдо-кўргазмасида 30 дан ортиқ давлатлардаги 220 та қурол ишлаб чиқарувчи заводлар маҳсулотлари намойиш этилмоқда.**

**ИНКОР ЗАМИРИДАГИ ДАВОМАТ 2-бет**

**ИЖОДКОРЛИК, ИЗЛАНИШ, МАҲОРАТ 3-бет**

*Davra suhbati*

***1998-1999 ўқув йилидан ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилиши муносабати билан халқ таълими ходимларининг вазифалари янада кўпайди. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳамда мактаб раҳбарлари ҳозирданоқ дарсликларни янги ўқув йилида ўқийдиган ўқувчилар сонига нисбатан таҳлил қилиб чиқиши, етишмайдиган дарсликларни сотиб олиш чораларини кўриши, бу борада ота-оналар билан суҳбат уюштиришлари лозим. Бунда мактаб директорлари тадбиркорлик билан иш тутишса, мавжуд дарсликларни таъмирлаш усулини қўлласалар, умуман кутубхона жамғармаларидан оқилона фойдалансалар, нур устига нур бўлади.***

***Шу ўринда қатор саволлар ҳам туғилиши табиий. Масалан, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, нашр этиш ва жойларга етказиш тартиби (механизми) ишлаб чиқилганми? Республика Таълим марказида қарор ижроси билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қай даражада? «Ўқитувчи» нашриётида қандай ўзгаришлар юз берди? Жойларда дарсликлар савдосини ташкил қилиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда. Китоблар нархи ҳамма ҳудудларда ҳам бир хилда бўладими?***

***Мухбиримизнинг бу каби саволларига РТМ директори, профессор Ғайрат ШОУМАРОВ, «Ўқитувчи» нашриёти бош муҳаррири Абдулла ҲАСАНОВ ва Ўзбекистон Давлат китоб савдоси ва таъминоти уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Насиба АЛИМОВАлар қуйидагича жавоб беришди:***

# ДАРСЛИКЛАР МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

**Ғайрат ШОУМАРОВ: «АМАЛИЁТЧИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ЭТАЯПМИЗ»**

**— Ғайрат ака, 1998 йил 5 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан РТМнинг вазифалари нималардан иборат бўлаётир ва улар қандай амалга оширилмоқда?**

— Қарорга биноан республика Таълим маркази Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда таълим тизими турларида қўлланиладиган ўқув-услубий адабиётларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг баҳолаш мезонларини тайёрлади. Шунингдек, Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қатъий буюртмалар асосида яратиш, муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш тартиби ишлаб чиқилди.

Ушбу тасдиқланган тартиблар асосида жорий йилнинг март ойида дарслик ва ўқув адабиётларини чоп этувчи нашриётларнинг масъул ходимлари, китоб савдо тармоқларининг етакчи мутахассислари ва барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг дарсликлар таъминоти билан шуғулланувчи назоратчи ва методистлари иштирокида амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда дарсликлар таъминотининг янги тизими ва тартиби лойиҳалари атрофлича ўрганилди.

Бундан ташқари, Таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Устоз» жамғармаси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловини таъсис этиш ва ғолибларни мукофотлаш мезонини ишлаб чиқди... Хуллас, 1998/99 ўқув йили учун умумтаълим мактабларига 45 номдаги, махсус мактаблар учун 11 номдаги янги оригинал дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилиши режалаштирилган.

Республика Таълим маркази «Ўздавкитобсавдотаъминоти» билан ҳамкорликда 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва махсус мактаб-интернат ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишларни олиб бораяпти.

**— Муаллифлар билан ишлаш қай даражада йўлга қўйилган?**

— Муаллифлар билан ишлаш жараёни марказда фанлар ва йўналишлар бўйича фаолият кўрсатаётган 36 та илмий-методик кенгашлар орқали амалга оширилади. Вақти-вақти билан муаллифлар ўқуви ташкил этилади. Ҳар бир бўлим қошида иновацион-маслаҳат гуруҳи ташкил этилган бўлиб, дарслик муаллифларига амалий ёрдам бериб борадилар. Дарсликлар кўрик-танлови, муқобил дарсликлар яратиш ишларини йўлга қўйиш орқали муаллифлар кўлами кенгайиб, кўплаб ёш ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилар ушбу масъул жараёнга жалб этилаётир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Мактаблар дарсликларига қўйиладиган талаблар ва мезонлар» рисоласининг яратилиши эса шу соҳада олиб борилаётган ишлар мазмунини янада такомиллаштиришга бир ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўйлайман. Қисқаси, мактаб дарсликларининг сифатли, шу билан бирга ўз вақтида чоп этилиши ва жойларга етказилиши республика Таълим марказининг доимий диққат-эътиборида бўлади.

**— Ўзбекистон тарихи, табиатшунослик, математика (5-синф), зоология (7-8-синф) фани дарсликлари ҳали илм масканларига етиб бормаган. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан 1994 йилда умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун «Ўзбекистон тарихи» дарслигини ёзиш бўйича муаллифлар гуруҳи шакллантирилган ва 1995 йилда дарслик қўлёзмаси нашрга тайёрланган эди.

Бироқ дарслик муаллифлари фақат йирик олимлардангина иборат бўлиб қолганлиги, қўлёзма тилининг мураккаблиги, дарсликни тайёрлашда ўқувчилар ёши, билим даражаси, психологияси етарли ҳисобга олинмаганлиги сабабли қўлёзмани ўқитувчилар учун ўқув қўлланмаси сифатида нашр

**(Давоми 2-бетда)**

*Huquqiy bilimlarni o'rganamiz*

## ТАНЛОВ АРАФАСИДА

*Яқинда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқарувида мамлакатимиз ёшларини Конституция, қонунлар, давлат ва ҳукумат қарорларини ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш, уларни жамиятда қонун устуворлигига эришишга кўмаклашишларини таъминлаш мақсадида ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?!» кўрик-танловини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда танловнинг биринчи босқичи якунлари муҳокама этилди.*

*Маълумотларга қараганда «Сиз Қонунни биласизми?» кўрик-танловига республикамиздаги барча ўрта мактаблар иштирок этган. Ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ўртача 15—18 минг атрофида юқори синф ўқувчилари танловда қатнашишган.*

*Йиғилишда Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси Бошқаруви раиси Ҳ. Абдураимов, жамғарма Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари К. Юсупов, Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи М. Шафиев, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи И. Маманов, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди қонунларни назорат қилиш бўлим бошлиғи Г. Мирзаолимова, Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмат бошлиғи ўринбосари, полковник Ў. Жўраев ва бошқалар сўзга чиқишди. Унда, шунингдек, танловнинг минтақавий ва финал босқичлари саволларини тузиш, минтақавий босқичларни баҳоловчи ҳакамлар ҳайъати таркибини тузиш каби бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди.*

**Норали АСЛОН**

# АТТЕСТАЦИЯ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Мустақиллигимизнинг еттинчи баҳори бошланди. Мамлакатимиз халқ таълими тизимида ислоҳотлар қандай кечмоқда? У кўзланган натижани бераяптими? Мактаблар ҳаётида айни шу кунда таълим ва тарбиядаги муваффақиятлар, тадбиркорлик йўналишидаги ўзгаришлар қай ҳолатда?

Бу каби савол ва намуналарга бой аттестация кўриги Урта Чирчиқ тумани ҳокимлигида ҳам роппа-роса уч кун давом этди.

— Аттестация катта синов имтиҳони бўлди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Шавкат Алиев. — Туман ҳокимлигининг бевосита раҳбарлигида ўтган аттестация мактабларимиз, болалар боғчалари маъмуриятларига ўз фаолиятларида кескин бурилиш ясашларига аниқ йўл кўрсатди. Чунки аттестациядан ўтишга ҳозирланган 97 раҳбардан 3 нафари ўтолмади. 11 нафари эса шартли равишда синовдан ўтказилди.

Сезилиб турибдики, туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими аттестацияга ўта жиддий ёндашган.

Айни пайтда қайси мактаб, мактабгача тарбия муассасасига қадам қўйманг, аттестация сабоқларидан хулоса чиқарган раҳбарлар баҳор — уйғониш руҳи билан яшаб, Наврўзи оламга пухта тараддуд кўрмоқдалар.

**Дилшод АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўрта Чирчиқ туманидаги 26-мактабнинг 6-«А» синф ўқувчиси**

# ЁЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 110-ўрта мактабда ёзувчи, шоир, олим ва бошқа соҳа намоёндалари билан учрашувлар ўтказиш анъанавий тус олган.

Мактабда яқинда болаларнинг севимли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан шундай қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Мактаб ўқувчилари бу учрашувга қизғин ҳозирлик кўришди, улар ёзувчи асарларини қайта мутолаа қилишди. Айниқса, «Ширин қовунлар мамлакатида» асари асосида тайёрланган саҳнани барча ҳаяжон билан томоша қилди. 6-«А» синф ўқувчилари Фаррух Жўраев ва Отабек Ҳакимов асар қаҳрамонлари образини ўзига хос маҳорат билан ижро этишди. Бу ҳам, табиийки, ўқувчиларнинг ёзувчи ижодига эътиборидан дарак беради.

Шундан сўнг ёзувчи билан ўқувчилар ўртасида самимий суҳбат бошланди. Ёзувчи ёш китобхонларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди, асарларининг ёзилиш тарихини ҳикоя қилди.

Ушбу кечани олиб борган мактаб она тили ва адабиёти услубий бирлашмаси раиси Замирахон Алиева бундай учрашувлар ўқувчилар учун бениҳоя фойдали эканини таъкидлаб, ёзувчи Худойберди Тўхтабоевни 65 ёшга тўлгани билан қутлади, унга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Умуман айтганда, мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиётдан сабоқ бериш, дарсларни замон талаби даражасида ўтиш яхши йўлга қўйилган. Бу, албатта, яхши. Юқорида қайд этилган учрашувлар ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Бу ишларни амалга оширишда З. Алиева, Ш. Носирова, Н. Камолиддинова, Н. Эрназарова каби фидойи ўқитувчиларнинг хизмати бениҳоя каттадир.

**Х. АШУРОВА,**
**она тили ва адабиёти ўқитувчиси**

# САХОВАТ СОҲИБЛАРИ

Самарқанд шаҳридаги Боғишамол тумани ҳокими А. Тўхтаев ва туман халқ таълими бўлими мудири Ш. Шокировлар ташаббуси билан жорий ўқув йилидан бошлаб хайрли ишларга қўл урилди. Туман мактабларида таълим олаётган энг аълочи ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус стипендиялар жорий қилинди.

Тумандаги 55-ўрта мактаб (директори Х. Саидов) ва «Гулистон» ҳиссадорлик жамияти (директори Б. Узанов) ўзаро шартнома тузиб, унга мувофиқ ҳар чорак охирида 10 тагача аълочи ўқувчига стипендия берилмоқда. Мазкур ўқув йили 1-чорагида 10-синф ўқувчиларидан З. Қўчқорова, Ф. Раҳматова, С. Рустамова, О. Пуставалова, С. Гейстрих, Э. Бубекирова, 11-синф ўқувчиларидан Ш. Саримсоқова, З. Ҳақбердиеваларнинг ҳар бири 200 сўмдан 500 сўмгача стипендия олишди. 2-чорак якунига кўра эса 500 сўмдан стипендия берилди.

36-ўрта мактаб (директори М. Тилавова) ҳам шаҳардаги 48-механизациялашган жамлама (директори Ю. Тихий) билан шартнома тузган бўлиб, унга ўтган ўқув йилида жамланма аълочи ўқувчиларга 1000 сўмдан, жами 10000 сўм миқдорида стипендия берди. Мазкур ўқув йилида жамланма томонидан мактаб ўқувчилари учун 10000 сўмлик дори-дармон, кам таъминланган оилаларнинг болаларига эса 20000 сўмлик кийим-кечак тарқатилди. Жамланма ва мактаб раҳбарияти келишган ҳолда, ўқув йили охирида 20 дан зиёд «4» ва «5» баҳоларга ўқиётган ўқувчиларга стипендия бериш ҳам мўлжалланган.

**Р. ТЕМУРОВ,**
**Боғишамол халқ таълими бўлими мудири муовини, олий тоифали ўқитувчи**

# МММ — XABARLARI

## КЕЛА ҚОЛ, НАВРЎЗ!

Қутлуғ айём — Наврўз юртимизга янги орзу-истаклар, қувончу шодликлар билан кириб келмоқда. Ўзгача тозаришни, янгиланишни ният қилган Ҳамза туманидаги 206-мактаб жамоаси ҳам ободонлаштириш ишларини бошлаб юборишди. Эзгу истаклар билан мактаб ҳовлисига 100 тупга яқин дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**Назира РАҲМАТОВА**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Элликқалъа туманидаги 1-«Бўстон» лицейи АҚШнинг «Тинчлик корпуси» билан ўзаро шартнома тузганди. Шунга асосан ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб, америкалик ўқитувчи Жон Маккензи лицей ўқувчиларига инглиз тилидан дарс бера бошлаганди. Натижалар чакки эмас, ўқувчиларнинг бу тилни ўзлаштириш суръати кескин ошяпти.

**Ғойиб ЁҚУБОВ**

## ДЎСТЛИК ҒАЛАБАСИ

Куни кеча ТошДУ қошидаги С. Сирожиддинов номидаги лицейда қизиқарли тадбир — лицей ўқувчиларининг «Зиё» ва СамДУ қошидаги лицей ўқувчиларининг «Иқтидор» гуруҳлари ўртасида «Ўткир зеҳнлилар» беллашуви бўлиб ўтди. Беллашувда ўқувчилар ўзларининг ҳозиржавоблик ва билимдонликларини намоён қилишди. Гарчи, «Зиё» гуруҳи ғолиб чиққан бўлса-да, бу беллашув самарқандлик ва тошкентлик ўқувчилар ўртасида дўстлик ришталарини боғлади.

**Ойгул КАЖАНОВА**

## МУВАФФАҚИЯТ

Иштихон туманидаги С. Айний номидаги 42-ўрта мактаб ўқувчиларининг турли мусобақаларда иштироки тобора муваффақиятли тус олмоқда.

Ўқувчилар туман миқёсида ўтказилган меҳнат таълими фани бўйича ясалган асбоб-ускуналар кўригида 2-ўринни, «Сиз қонунни биласизми?!» кўрик-танловида 3-ўринни, «Яшил чироқ-98» мусобақасида 1-ўринни қўлга киритишди. Қўл тўпи мусобақасида эса бир неча йилдан буён чемпионликни қўлдан бермай келишяпти.

**Акмалжон БАДОЕВ**

1998 yil — Oila yili

# ТАРБИЯГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

***Бу йил республикамиз раҳбари И. Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинди. Оила йилида «Инсон манфаатлари» йилининг мантиқий давоми сифатида ҳар бир оилада тинчликни, унинг аъзолари турмуш тарзини юксалтириш, кишилар онгини ривожлантиришга, миллий урф-одатларимизни қайта тиклашга эътибор қаратилади. Хўш, халқ таълими тизимида Оила йили муносабати билан қандай тадбирлар амалга ошириш кўзда тутилган? Улардан кутилаётган пировард натижалар нималардан иборат? Биз бу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат Шафиевга мурожаат этдик.***

— Халқ таълими вазирлиги шу йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йил амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги 45-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Тадбирлар режаси 7 асосий бўлимни ташкил этади. Улар оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодини тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш ва бошқалардан иборат.

Ҳозирданоқ жойларда амалий ишларга киришилган бўлиб, мактаб ва ўқув юртларида «Менинг оилам — менинг фахрим» мавзуидаги иншолар танлови ўтказилмоқда. Вилоятлардаги малака ошириш институтларида «Оила — муқаддас тушунча».»Оилавий анъаналар», «Маҳалла ва оила маънавиятининг мустаҳкамлиги», «Эр ва рафиқа — оила таянчи», «Оилага шарқона садоқат» мавзуларида суҳбатлар, савол-жавоб кечалари режа асосида олиб борилади. Вазирлик жисмоний тарбия бўлими «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, ҳокимликлар, Давлат спорт қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда йил давомида мактаблар, корхоналар ва ташкилотларнинг мавжуд майдончалари, заллари, клубларидан фойдаланиш, шунингдек ҳашар усулида спорт объектлари қуриш билан ҳар бир маҳаллада, қишлоқда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия — соғломлаштириш ишларини ташкил этиш кўзда тутилган. Йилнинг тўртинчи чорагида олий ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув дастурига «Оилавий ҳаётга тайёрланиш» курсини киритиш мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз кўп. Уларнинг режаси тузилган. Муҳими, эндиги навбат боғчадан тортиб олийгоҳга қадар барча таълим ва таълимдан ташқари муассасаларда мазкур режадаги барча тадбирларни сидқидилдан адо этишдадир.

**Суҳбатни Норали ОЧИЛОВ ёзиб олди**

Olimpiada-98

# ҲАМ БЕЛЛАШУВ, ҲАМ ТААССУРОТ

*Келгуси ҳафтада 1998 йил республика олимпиадасининг якунловчи босқичини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита аъзоларининг иши ниҳоятда тиғиз бўлади. Негаки, ҳафтанинг биринчи кунидан бошлабоқ вилоят олимпиадалари ғолиблари Тошкентга кела бошлашади.*

*Шу кунгача республика олимпиадаси Ташкилий қўмита аъзолари томонидан муайян ишлар қилинганлигини ва айни чоқда республика Таълим марказида мазкур тадбирга тайёргарлик ишлари якунига етказилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Белгиланган 20 та фан (шундан 8 таси икки тилда)дан махсус ишчи гуруҳлари томонидан олимпиаданинг IV республика босқичи учун тузилган тест саволлари компьютерга жойланмоқда. Олимпиадани ўтказиш жойи белгиланиб, иштирокчилар ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари учун гувоҳнома ва таклифномалар тайёрланяпти.*

*Мазкур олимпиада иштирокчилар учун фақат беллашув майдони бўлиб қолмаслиги керак. Ташкилий қўмита масаланинг ана шу томонига ҳам катта эътибор беришни мўлжаллаяпти. Шу боис улар «Улуғбек» ва «Камолот» жамғармаларини шу жараёнга жалб этиб, ғолиб ва иштирокчиларни меҳнатларига лойиқ тақдирлашга ҳаракат қилишаётир.*

*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси (раиси И. Абдуғаниев) билан биргаликда иштирокчиларнинг дам олиш дастури ишлаб чиқилган. Дастурга кўра вилоят ғолиблари таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашишади. Олий ўқув юртлари ҳаёти билан танишиб, музей, кўргазмаларга боришади, театрларда бўлишади.*

*Муҳими, бу йилги олимпиада Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳаётга татбиқ қилинаётган бир пайтда ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Яна бир муҳим янгилик сифатида якунловчи босқич ғолиблари орасидан айрим фанлар бўйича Халқаро олимпиадага иштирокчилар танлаб олинишини ҳам қайд этиш жоиз. Қисқаси, ушбу олимпиадада ҳам кутилмаган мўъжизалар юз бериши кутилаётир.*

**М. ҚУРБОНБОЕВ**

Tadbir

# БИТИРУВЧИ ҚИЗЛАР ВА ОИЛА

«Иккинчи турмуш — чопоннинг ямоғи. Ақл бирданига кириб қолмайди, қизим, ўлгунча киради. Ҳаётда яхши-ёмонни танийди, паст-баландни кўради одам. Мана шу босқичлардан ўтиб, фикр қилади, хулоса чиқаради. Шунинг баробарида ақли теранлашади!».

Қаҳрамон она Тошой ая Нормуҳаммадиева қизларга турмушдан олган сабоқларини гапириб берарканлар, ҳали турмуш нималигини билиб-билмаган навраста қизларнинг юз-кўзларида ажиб қизиқсинишни кузатдим.

Қибрай туманига қарашли бўлган 19-мактабнинг битирувчи қизлари «Оила бахти — аёл қўлида» мавзуида кеча уюштирди. Аёлнинг оиладаги ўрни ва вазифаси, оилани бутун сақлаб қолиш учун нима қилиш керак, муаммолар ечимини қандай топиш мумкин каби ўзларини қизиқтирган мавзудаги саволларга жавоб топдилар.

Кечада маҳалла фахри саналган, ўзидан тинчиган кайвони онахонлардан Раҳбар ая Шералиева, Саноат ая Саидова, қишлоқ хотин-қизлар қўмитаси раисаси Дариха Исалимова, Тўқайтепа маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Тожинисо Алимжонова, Янгиобод фуқаролар йиғини раиси Абдуғаби Темирбековлар қатнашдилар.

«Нафосат» ҳамда «Назокат» гуруҳлари меҳмон кутиш одоби, муаммоли саҳна кўринишидаги томошалари, дастурхон безаш, пазандачилик сингари шартларни астойдил бажараётгани, янграган Ватан мадҳияси ўтирганлар қалбидан чуқур жой олди.

— Албатта, қизларни ёшлигиданоқ ҳаётга тайёрлаб бориш, атрофдагиларга, кишиларга меҳр кўзи билан қараш, ҳурматини жойига қўйиш, уларга бўлган иззатнинг оқибати яхшиликка олиб келишини англатиш лозим, — дейди мактаб директори Равшангул опа Шукруллаева. — «Оила камоли — юртимиз жамоли» деб бежиз айтишмайди. Педагоглар тайёрлаш ва ЭҲМ оператори гуруҳи орасида Зулфия Каримова, Хуршида Муродхўжаева, Гульмира Бойтурганова, Умида Исмоилова сингари умидли ёшларимиз бор. Улар мактабимиз фахри саналади.

Кўпчилик томонидан ўқилган дуо ижобат бўлади, дейишади. Баҳор гулларидек яшнаб турган қизларнинг ҳақига ҳам узоқ дуо ўқилди. Ибратли кеча меҳмонлари «меҳр кўзда» дейилганидек, бир пиёла чой устида руҳан яқинлашдилар. Қизларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган таом ва пишириқлари меҳмонларга манзур бўлди.

**Д. ИСМОИЛОВА**

(Боши 1-бетда)

этишга қарор қилинди. Айни пайтда 5-синф учун талабларга тўла жавоб бера оладиган «Ўзбекистон тарихи» дарслиги қўлёзмаси нашрга тайёрланган бўлиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида 1 сентябргача нашрдан чиқади. Умуман, «Ўзбекистон тарихи» ва «Жаҳон тарихи» фанлари бўйича янги дастур ва дарсликлар қўлёзмалари илмий-методик кенгаш муҳокамаси, Ўзбекистон янги тарихи Маркази тавсиясига кўра шу йили чоп этилиб, сентябрь ойигача мактаб ўқувчилари қўлига етказилади.

5-синф «Табииёт» ўқув қўлланмаси 1995 йил «Ўқитувчи» нашриётидан 627000 нусхада чоп этилган. Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат кенгаши қарори билан (1997 йил октябрь) ушбу қўлланмани дарслик сифатида чоп этиш ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун таржима қилиш белгиланган. Ҳозирда ушбу жараён давом этмоқда.

Ўзбек мактабларида 7-8-синфлар учун «Зоология» синов дарслиги ҳамда О. Мавлонов, Г. Комиловлар, шунингдек Е. Биховский ва бошқаларнинг таржима қилинган дарсликларидан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ХТВнинг Ҳайъат қарори (1996 йил 22 октябрь, С-22) билан асосий дарслик сифатида нашрга тавсия этилган «Зоология» (О. Мавлонов, Г. Комилов) дарслиги «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилмоқда. 1998/99 ўқув йилида республикамиз мактаблари ушбу ўқув қўлланмаси билан тўлиқ таъминланади.

**— Олий Мажлис қарорига кўра янги аср муқаддимасида барча синфлар учун дарсликлар ва бошқа ҳужжатлар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлалигича ўгирилиши керак. Бу борада қилинаётган ишларга ҳам батафсил тўхталсангиз?**

— Маълумки, республикамизда янги алифбога ўтиш жараёни 1996-1997 ўқув йилидан эътиборан умумтаълим мактабларининг бошланғич (1) синфларида бошланди. Давлат дастурига асосан бу жараён босқичма-босқич 2005 йилнинг 1 сентябригача тугалланиши назарда тутилган. Ҳозир таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг бошланғич (I, II, III) синфлари барча фанларни янги ўзбек алифбоси ва имлоси асосида ўқимоқдалар.

Республика Таълим марказининг янги ўзбек алифбоси бўлими ходимлари бир қатор вилоят ва шаҳарларда (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Фарғона, Сирдарё, Жиззах вилоятлари) бўлиб, янги ўзбек алифбосининг ўқитилиш аҳволи, ўқувчилар томонидан ўзлаштириш, 4-синф ўқувчиларининг янги алифбода ўқишга тайёргарлик ҳоллари ўрганилди. Дарслар кузатилди, диктант (ёзма ишлар) олинди, ўқувчиларнинг ўқув тезликлари синаб кўрилди. 1998/99 ўқув йилида 5-синфларда дарс олиб борадиган фан ўқитувчиларининг янги ўзбек алифбоси ва имлоси бўйича саводхонликлари ўрганилди.

Республика Таълим марказининг тавсияларига асосан мактабларнинг 4-11-синфларида ўқувчиларни янги алифбода ўқитишга тайёрлаш мақсадида факультатив машғулотлар ташкил этилган. Марказ ходимлари муаллифлар билан ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқдалар. Факультатив машғулотлар ҳамда мустақил ўрганувчилар учун бир қатор методик қўлланмалар чоп этилди.

Ҳозирда Таълим маркази томонидан 1998/99 ўқув йилидан ўқишни янги алифбода бошлайдиган 4-5 синфлар учун керак бўлган ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш ва чоп этиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Шунингдек, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлари учун «Ўзбек тили» дарсликлари янги ўқув йилига қадар нашрдан чиқиши мўлжалланган.

# ДАРСЛИКЛАР МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

## Абдулла ҲАСАНОВ: «НАРХ ҲАММА ЖОЙДА БИР ХИЛ БЎЛАДИ»

**— Абдулла ака, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорига кўра 1998-1999 ўқув йили (1 сентябрь)дан бошлаб ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилади. Шу муносабат билан «Ўқитувчи» нашриётида қандай сифат ўзгаришлари юз бермоқда?**

— Мактаб дарсликлари сифатини яхшилаш масаласи нашриётнинг диққат марказидаги доимий ва асосий масала. Нашриёт дарсликлар сифатини ҳам, мазмунини ҳам яхшилаш устида тинмай иш олиб бормоқда. Мактаб дарсликларини лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтказилиши жараёни бошланганидаёқ, айниқса, бошланғич синфлар дарсликларини сифат жиҳатидан яхшилашга киришилди. Бунга 1, 2, 3, 4, 5-синфлар учун нашр этилган дарсликларнинг энг яхши қоғозларга босилаётганлиги ва безатилиши ҳамда полиграфик ижроси яхшиланганлигини ҳозирги кунда ҳам бу масалани кун тартибидан туширмай сифатини яхшилаш устида иш олиб борилаётганини алоҳида таъкидлашим жоиз.

**— Барча турдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари очиқ савдога чиқа бошлади. Уларнинг нархлари қай тарзда белгиланган, масалан, Тошкентда ёки олис Хоразм воҳасида дарслик нархлари қандай бўлади?**

— Мактаб дарсликлари республикамизнинг ҳамма ҳудудида китобда кўрсатилган қатъий нархдан ҳеч ўзгартирилмай сотилади. Дарсликларнинг ҳаммасида (1998 йилги нашрлар назарда тутилади) — энг сўнгги варағи ва муқова орқасида нарх ёзилган. Китобларни бу нархлардан ошиқча нарх билан сотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Масалан, 1998 йил «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Инглиз тили» фани (5-синфлар учун) дарслигининг нархи 134 сўм. Бу китоб Тошкент шаҳрида ҳам, ёки энг чекка жойларда ҳам 134 сўмга сотилиши керак. Агар қўшимча нарх қўйилса, у ноқонуний бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлигида дарсликлар билан таъминлаш пулли шаклга ўтилганидан кейин ҳам барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернат ўқувчилари ўқув қўлланмалари билан тўлалигича бепул таъминланади.

**— Очиқ савдо жараёни айрим «тадбиркор»ларнинг даромад манбаига айланиб қолмайдими?**

— Вилоят ва шаҳарлар китоб савдоси ташкилотлари, фирма ва корхоналар, тадбиркорлар дарсликларни тарқатиш ва сотиш билан шуғулланишлари мумкин. Фақат уларга ушбу нарх ичида, яъни китоб нархидан 25 фоиз чегирма — даромад сифатида қолади. Улар учун ҳам китобга ёзилган нархдан юқори нархда сотиш қатъий тақиқланади.

**— Ота-оналарга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

— Ота-оналар дарслик ва қўлланмаларни илгаригидай «Мактаб бозори» бўладиган ой — август-сентябрни кутиб ўтирмасликлари керак. Сабаби, нашрдан чиққан дарсликлар йил бошидаёқ савдога чиқа бошлади. Уларни пешма-пеш харид қилган маъқул. Чунки ҳаммасини бирдан харид қилиш оила бюджетига ҳам таъсир этади. Қолаверса, нашриёт китоб нашр этишга сарфлаган маблағни вақтида олмаса, айланма (оборот) маблағига салбий таъсир этиб, тегишли хом ашёлар ўз вақтида олинмай, баъзи дарсликлар чиқиши кечикиб кетиши ёки чиқмай қолишига сабаб бўлади. Ота-оналарда мулкка муносабат ўзгарганидай, дарсликларни харид қилишга ҳам муносабати ўзгариши лозим, яъни фарзандлари учун керакли дарсликларни босқичма-босқич (савдода борини, албатта) харид қилганлари маъқул.

## Насиба АЛИМОВА: «ЯНГИ, ИЗЧИЛ ЙЎЛЛАРНИ ИЗЛАЯПМИЗ»

**— Насиба опа, «Ўқитувчи» нашриёти ўрта мактабларнинг 2-11-синфлари учун мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларини очиқ савдога чиқарди. Ва уларга чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилмоқда. Бунда «Ўздавкитобсавдотаъминот»нинг ўрни қандай бўлади?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанидан кейин «Ўздавкитобсавдотаъминот» уюшмаси масъулияти янада ошди. Ҳозир дарсликлар нақд пулга сотилиши билан маблағга қараб жойларга етказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Аслида дарсликларни марказлашган ҳолда сотишни ташкил қилиш илгаригидан синалган ва энг қулай йўл. Бироқ дарсликларнинг ҳар хил фирма шохобчаларида, дўконларда, бозорларда сотилиши дарсликларнинг ҳисобини олишни қийинлаштиради, шу билан бирга яна қандайдир муаммоларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Демоқчиманки, дарслик тақсимотида нотекислик вужудга келади. Биз мавжуд дарсликларнинг жойларга етиб боргани ёки бормаганини аниқлагунимизча, муддат чўзилиб, барча ўқувчиларни ўқув қўлланмалари билан таъминлаш октябрь ойигача давом этиши мумкин.

Айни кунда шу муаммо устида ишлаб, дарсликлар билан таъминлашнинг янги, изчил йўлларини излаяпмиз. Ҳозир дарсликларнинг маълум қисми олинган. Муҳими, биз вилоятда қанча мактаб, синф ёинки ўқувчи борлигини биламиз. Вилоят очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари вакиллари вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда туман халқ таълими бўлими мутасадди раҳбарлари билан айнан дарслик таъминоти масаласи бўйича мунтазам мулоқотда бўлиб турибшибди. Мулоқот натижаларига қараб ҳамда имкониятларимиздан келиб чиқиб, мактабларда, кутубхоналарда китоб сотувини ташкил этамиз. Ундан ташқари ҳар бир туман марказида дарслик ва ўқув қўлланмалари билан савдо қилувчи махсус дўконлар фаолият кўрсата бошлади.

* * *

Мулоқотлардан кўриниб турибдики, қарор ижроси билан боғлиқ вазифаларнинг бир қисми мактаб раҳбарига тегишли бўлиб қолаётир. Гап шундаки, кутубхона жамғармасида мавжуд ва амалда қўлланишга тавсия этилган дарсликларнинг сотилиши қатъий ман қилинади. Шу боис ҳозирда барча мактабларнинг кутубхоналари инвентаризацияси жорий йилнинг 1 апрелигача якунланиши белгилаб қўйилган. Жамғармадаги дарсликлар мактаб педагогик кенгашининг қарорига биноан кам таъминланган оила фарзандларига ўқув йили давомида бепул фойдаланишга топширилади ва ўқув йили охирида улардан йиғиб олинади. Жараён шу тарзда давом эттирилади.

Бундан ташқари, мактаб раҳбари ҳомий ташкилотлар ёрдами билан кутубхона жамғармасини янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан бойитиши ҳамда келажакда улардан самарали фойдаланиш учун замин яратиши мумкин. Оилаларда эса китобларнинг акадан укага ўтиш анъанаси тикланади. Демоқчимизки, агар чуқур мулоҳаза қилинса, китоблардан фойдаланишнинг усул ва йўллари кўп. Қисқаси, ишчан раҳбар ва фидойи кутубхоначиларнинг тажрибаси, тадбиркорлиги, иш усулларини ёритиш газетамиз ходимларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолаверади.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ**

ўрта мактабларнинг 2-11-синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни очиқ савдога чиқарди ва уларга чекланмаган миқдорда

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА.

Буюртмалар жаҳон андозаларига мос, ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади.

Тўловлар исталган турда.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

1998 йил — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!

Мурожаат учун манзил:
**700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, «Ўқитувчи» нашриётининг «Савдо-тижорат бўлими».**

**Телефонлар: 144-26-89, 144-23-86.**

# ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Ёшларни билимли ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ота-оналар ва мактаб жамоатчилиги олдидаги бурчдир. Айни пайтда ўғилларимизда мард ва жасур, ватанпарварлик хислатларини шакллантиришимиз зарур. Кувасой шаҳрида юқори синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Шунқор-98» кўрик-танлови ана шундай мақсадда ташкил этилди. Баҳсда ўқувчилар пневматик қуроллардан ўқ отиш, турникда тортилиш, газдан ҳимоя қилувчи ниқобларни ки-йиш, сафда юриш қобилиятини намойиш қилдилар.**

**Ёш ватанпарварлар баҳсида шаҳардаги 21-ўрта мактаб ўқувчилари ғолиб деб топилди.**

**Раҳмон АЛИ**

Ta'lim muassasalarida

# «УМИД» САМАРА БЕРМОҚДА

Сўнгги пайтларда ёш авлод таълим-тарбиясига бўлаётган юксак эътибор ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Айниқса, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар шаклланиш палласида турган ўсмир ёшларимиз тарбиясига катта таъсир кўрсатишига, шубҳа йўқ.

Ўтган йили сентябрь ойида Жиззах шаҳрида эзгу мақсадлар билан иқтидорли болалар «Умид» лицейи очилган эди. Ўтган маълум бир фурсат ичида, мазкур лицей айтиш мумкинки, талай ютуқларга эришди. Бу ҳақда лицей директори Малика Якушина бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳозир лицейимизда 160 нафар тест синовлари асосида танлаб олинган иқтидорли болалар таҳсил олишмоқда. Лицей инглиз тилига ихтисослашганлиги боис, талабаларимизнинг барчаси инглиз тилида равон сўзлаша оладилар. Шу билан бирга бу ерда ёшларга ҳуқуқ ва иқтисод фанлари ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Илм масканимиз вилоят чет тиллар маркази билан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаган. Ўқитувчиларимиз орасида Америка ва бошқа ривожланган чет давлатларда ўқиб, малака ошириб келганлари ҳам бор.

Лицейимиз ўз компьютерларига ва видео жиҳозларига эга. Бу ерда ўтказиладиган ҳар бир тадбир фақат инглиз тилида бўлиб ўтади ва видеокассеталарга ёзиб олинади. Ушбу ёзувлар ўқувчилар билан бирга қайта кўрилганда, улар ўз талаффузидаги камчиликларни илғаб олиб, уни тузатишга ҳаракат қилишади.

Яна бир кўзлаб турган ибратли мақсадимиз — лицей қошида турли йўналишдаги кичик корхоналар ташкил этиш. Бу режамизнинг энг муҳим жиҳати шундаки, корхоналарни очишдан тортиб, унинг фаолиятини юритиш, бошқариш, барча-барчаси ўқувчилар зиммасида бўлади. Биз уларга фақат йўл-йўриқлар кўрсатиб турамиз.

Ўқитувчилар жамоаси бир ёқадан бош чиқариб амалга ошираётган бу каби бошқа қатор ишлар ҳам ёшларимиз таълим-тарбиясида ўзининг ижобий самараларини беришига ишонамиз.

**Баҳриддин АБДУ САИД**

Mulohaza

# ИНКОР ЗАМИРИДАГИ ДАВОМАТ

Табиат қўйнида дунёга келиб биринчи қанот қоққан ҳар қандай полапон инида кўрганини қилади ва келгусида ўз полапонини ҳам шунга ўргатиб катта ҳаётга йўлланма беради.

Бу эса дунёдаги давомат занжирининг узилмас халқаларидир. Биз инсонлар «Қуш уясида кўрганини қилади» деганимизда, авваламбор, инсон боласини, уларнинг фарзандлари ва оиладаги бола тарбиясини кўзда тутамиз. Юртимизда бу йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан оила ҳақидаги эзгу ниятлар, ечимини кутаётган муаммолар, бажарилиши керак бўлган режалар борасида турли минбару мажлисларда бу йил кўплаб мунозараю машваратлар бўлиб ўтади. Шундай экан, ушбу муҳокамаларга биз ҳам ўз улушимизни қўшиш мақсадида, оилада ва мактабда болага мустақилликни ўргатиш мавзусида бир неча фикр билдирмоқчимиз. Уйлаймизки, бизнинг фикримиз ва қолаверса, гап орасида айтиб ўтган услуб ва йўналишларимиз бошқаларда эътироз туғдириши табиий ҳол. Аммо, матбуот ва машваратнинг кучқудрати ҳам шундаки, кўтарилган мавзу юзасидан қанча кўп фикр билдирилса, улар орасидан шунчалик ўзимизга яқинроғини ажратиб олишимиз енгил кечади.

Шунинг учун суҳбатимизнинг илк поғонасини оилага бағишлаб уни шундай атадик:

## ТИРИКЛИК КОШОНАСИ

Оила тушунчаси ҳақида оғиз кўпиртириб жуда кўп гапиришимиз, катта-катта илмий асарлар битишимиз мумкин. Бу тушунча ҳар бир инсоннинг онгида ҳар хил бўлиши ҳам табиий бир ҳол. Аммо, у барибир инсон тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлиб қолаверади. Фақат инсонларгина тўлиқ маънода оила қуришади ва бу қаср ичида ҳаёт кечириб бола тарбиялашади.

Ҳар бир инсон ҳаёти алоҳида ўрганса арзигулик жуда қизиқ табиий ҳодисадир. Ва айни пайтда мана шу табиатнинг мўъжизаси саналмиш инсон ҳаёти ўз лаззатини, азобу бахтини, ҳузур-ҳаловатини, ҳалоллик ва поклигини, қолаверса тубанлик ва сотқинлигини ҳам мана шу макон — оиладан бошлайди.

Оиланинг яна бир томони, ҳар бир инсон мана шу масканда туғилади, аммо улғайган сари уни инкор қилади-да, ўз оиласини қуришга интилади ва бахтли ёки бахтсиз ҳолатда яна бошқалар томонидан инкор бўлади. Бу деган сўз, биз ота-онамизнинг уйида дунёга келамиз-да, ойу кун сайин ўсиб-улғаямиз ва ўз оиламизни қуришга интиламиз. Ўз оиламизни қурганимиздан эътиборан бизнинг ҳам оиламизнинг юзини кўрувчилар ва уни ҳам инкор қилувчиларга замин тайёрлаймиз. Айни мана шу жойда, оилада бола тарбияси деган муҳим тушунча юзага келади. Оилада бу тушунчанинг юзага келгунича бўладиган баъзи томонларга назар ташлайлик.

Оила тарихда доимо бўлганми, деган саволни кўп қўйишади ва бу саволга жаноби Энгельс ва бошқа баъзи чапанилар салбий жавоб беришади. Яъни, оилани меҳнат ва яна бир қанча шарт-шароитлар билан боғлашади. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Одам Ато ва Момо Ҳаво бир-бирларига меҳр қўйган дақиқадан эътиборан, дунёга оила тушунчаси кириб келган. Фақат кейинчалик оиланинг қурилиш, яшаш ва бошқа шарт-шароитлари ўз қоида ва расаматлари билан тўлдирилади. Аммо булар кейинчалик. Лекин оиланинг илк меҳр куртагидан бошлабоқ бола туғилиши ва унинг тарбияси вужудга келади. Шундай экан, бола оилада қандай тарбия олмоғи керак?

Бу саволга жавоб қанчалик кўп бўлиши билан бир вақтнинг ўзида, шунчалик оз, қисқа, лўнда ҳамдир. Бола оилада яхшиликка, мустақил ҳаётга ўргатилиб, жамиятнинг етук аъзоси қилиб тарбияланиши лозим. Шундагина у бу кошонани, тор маънода уй, жой, кичкина хона, ҳатто ин деб эмас, балки, қаср, сарой, ҳашаматли, кўнгилга ором берадиган жой деб қабул қилади ва ҳаётда шундай бўлмоғи керак.

## ҲАҚИҚИЙ ИШОНЧ — ЭРКИН ФИКРДА

Оилада фарзанд туғилган дақиқаданоқ у эркин инсон, хоҳласа бақиради, хоҳласа индамасдан онасининг кўкрагига ёпишади. Аммо биз катталар у инсондан кўпинча мана шу эркалик туйғусини ва эркинлик ҳуқуқини тортиб олмоқчи бўламиз, у хоҳламаган пайтида эмизамизу унинг хоҳишига қарамасдан кўтариб безовта қиламиз. Инсон ҳуқуқи ақидасидан келиб чиқиб, оилада тарбия масаласига ёндошадиган бўлсак, биз фарзандларимизни биринчи ўринда эркинликка ўргатишимиз лозим. Фақат эркин инсонгина мустақил бўлади ва фақат мустақил фикрлайдиган инсонгина ҳар қандай ҳаёт шароитида ҳам ўз ўрнини топа олади.

Азиз ўқувчининг ёдида бўлса, Қобуснома да ажойиб бир ақида келтирилади. Яъни ота фарзандига турли хилдаги тарбиячилар орқали турли хил касб ва ҳунарларни ўргатади. Устозлар бир куни отага фарзандингиз ҳаётга тайёр, синаб кўришингиз мумкин дейди. Ота ўғли ўрганган ҳунар ва касбларнинг ҳаммасини ўзи қилиши ва уларни буюриб ўзи учун бировга ҳам қилдириши мумкинлигини англайди ва айтадики, эй фарзанд ҳаётда шундай нарсалар борки, бу борада биров сенга ёрдам беролмайди, уни фақат ўзинг бажаришинг керак, дейди. Жумладан, сузишни билишликни айтади.

Биз бу ўринда Қобуснома муаллифи сузишни билишликни ўта рамзий маънода келтирганини уқдириб ўтмоқчимиз. Ахир ҳаётда сузишни билишликдан бошқа ҳам инсон фақат ўзи учун ўзи бажарадиган юмушлар жуда кўп. Шу жойда яна бир фикрни айтиб ўтмоқчимизки, ҳар қандай инсон бошқаларнинг меҳнати эвазига, кимларнингдир соясида қўллаб-қувватлашига ўрганиб, таяниб яшаса, бундай инсон ҳаётнинг танг ҳолатларида, кескин бурилиш пайтларида ўзига комил ишонч билан яшаб кетолмай қолиши мумкин. Ушбу ҳолатни кўздан қочирмаган ҳолда, биз ҳар биримиз ўз фарзандларимизни мустақил фикрлаш ва мустақил яшашга ўргатишимиз лозим. Уйлаймизки, ҳар бир ота-она ўз фарзандларига, фарзандларим биз сизларга табиат, дунё, ҳаёт, сиёсат, ҳатто инсоннинг ўзию ва у ўзи ўйлаб топган ақидаларга ҳам, шу жумладан дунёдаги динларга ҳам инсон кўзи билан қарашни ўргатдик дея олса, бундай ота-оналар нақадар бахтли бўлади.

**М. ЙЎЛДОШЕВ, руҳшунослик фанлари номзоди**

(Давоми бор)

# ТЕЗКОР ВА САМАРАЛИ ЙЎЛ

*Таълим мазмунига «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»даги мақсад ва вазифаларни сингдиришнинг ҳозирги кундаги энг тезкор ва самарали йўлларидан бири — педагоглар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашдир. Демак, республикамизда бу ишни амалга ошириш зиммасида бўлган — малака ошириш институтларининг ушбу кундаги аҳамияти беқиёс. Шундай экан, аввало, уларнинг ўзида ислоҳотлар қандай олиб борилмоқда, таълим тизимидаги бўлаётган янгиликлару ўзгаришларга қанчалик даражада мослашишди? Шу каби яна бир қатор саволларга биз Андижон вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти фаолияти мисолида ойдинлик киритамиз.*

*Суҳбатдошимиз, шу институт ректори Эсонулла ДАДАХЎЖАЕВ:*

— Давлатимиз етук мутахассис кадрларга эҳтиёж сезмоқда. Шу эҳтиёж ҳосиласи сифатида таълим тизимини йўлга солувчи икки муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» юзага келди. Бу эҳтиёжни қондиришда асосий куч бўлган ўқитувчида ҳам ушбу ҳужжатлардаги вазифаларни бажариш учун лозим бўлган билим ва малакани эгаллашга бўлган эҳтиёж бўлмас экан, яхши натижадан умидвор бўлмасак ҳам бўлади. Демоқчиманки, аввало, малака ошириш институтлари обрўйини кўтариш, уларга барча педагогларни ўз эрки билан талпинишини таъминлаш лозим.

Бу ишни, аввало, нимадан бошламоқ керак? Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси билан узвий алоқада бўлиб иш юритмоқ керак. Вилоятимизда халқ таълими ходимларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш учун бир талай кўкрак нишонлари, машҳур педагоглар номидаги мукофотлар, фахрий ёрлиқлар жорий этилган. Халқ таълими бошқармаси уларнинг барчасини, албатта, номзоднинг малакасини, ижодий ишини ҳисобга олган ҳолда беради. Малака ошириш институти билан бу борада бамаслаҳат иш қилинади. Ҳар бирининг ортида маънан қувват ва моддий манфаат ётади. Ўқитувчилар бу каби рағбатга интилиш баробарида ўз малакасини оширишга ихтиёрий равишда қизиқишади. Бу масаланинг бир жиҳати.

Иккинчидан, юқорида айтганимиздек, эҳтиёжнинг қанчалик даражадалигидан келиб чиққан ҳолда малака оширишнинг турли хилларини жорий этиш керак. Масалан, бизнинг институтда педагогик журнал ва газеталарда илғор услубий мақолалари эълон қилинган ўқитувчилар ва тарбиячилар мустақил ўқиш курслари орқали ўз малакаларини оширишади. Ҳозирда улар қаторига республика ва халқаро олимпиадаларда ўқувчилари фахрли ўринни эгаллаган, муқобил дарслик ва қўлланмалар яратган ҳамда курснинг бошида мунтазам ўтказиладиган синовларда 90 балл тўплаган педагоглар ҳам қўшилди. Бу ҳам ўқитувчини ўз устида ижодий ишлашга ҳамда ўзига хос рақобатни вужудга келтиришда қўл келмоқда. Яна бир аҳамиятли томони, ҳаммага бирдек маъруза тинглаш ёки билганларини бировдан эшитишдек эски услубда фориғ бўлинади.

Айтиб ўтганларимиз ташкилий ишлардан иборат, арзимасдек туюлса-да, бироқ аҳамияти катта. Албатта, малака ошириш тизимини мазмунан бойитишни иккинчи даражали деб билиш нотўғри. Бизнинг институтимиз 1994 йилдан бошлаб янги мақомда, яъни олий ўқув юрти тизимида иш бошлади. Унда 6 та кафедра, 12 та методик бўлим ташкил этилди. Уларда 24 нафар фан номзоди, 6 нафар фан доктори ишлаб келмоқда. Табиийки, бу билан нима ўзгариб қолди, деган савол туғилади. Биринчи галда шуни айтишим керакки, институтни янги педагогик технологиялар, тажрибалар ва янгиликлар маконига айлантириш учун шарт-шароит яратилди. Илмий ходимлар амалиёт билан, услубчилар ўз ишларини илмий асосда яратишга киришдилар. Ҳар бир ёзилаётган ишланма, услубий тавсия, қўлланмалар илмий-услубий йиғилиш муҳокамасидан ўтказилиб, ўрганилаётган иш тажрибалар умумлаштирила бошланди. Бу саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, кафедраларда 15 нафар ходимлар шу куннинг долзарб мавзулари бўйича илмий-тадқиқот ишлари билан шуғуллана бошлашди. Ўтган давр мобайнида 4 та илмий-услубий мақолалар тўплами, 40 та турли рисола, тавсия, қўлланмалар, 3 та (1, 2, 3-синфлар учун инглиз тили дарсликлари, араб тили, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси, 5-синф математика ҳамда экология дастурлари) дарслик-қўлланма яратилди. Ушбу ижодкорлик ишларини амалга жорий этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жойларда турли йўналиш ва мазмундаги тажриба майдонлари ташкил этилиб, уларда институтимизда тўпланган барча илғор тажрибалар синовдан ўтказилмоқда.

Бу билан мен, бизда ҳамма иш кўнгилдагидек, деб айтмоқчи эмасман. Албатта, педагогикага оид энг сўнгги, энг янги технология, метод ҳамда билимлар мажмуига эга бўлиши шарт бўлган малака ошириш институтларида ҳар кунига, ҳар соатига бирор-бир ижодий иш, изланиш қилиб туришимизга тўғри келади. Айниқса, таълим тизимида бўлаётган ислоҳотлар зарурияти имкон қадар ундан кўзланган мақсад ва вазифаларни уддалашга ўз фаолиятимизни уйғунлаштириб олишимизни талаб этади. Чунки бугун биз малакасини ошираётган ёки қайта тайёрлаётган ўқитувчилар етук кадрлар тайёрлашдаги асосий босқич ҳисобланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўтадиган ўз йўналишини белгилаб олган ҳамда келажагини ёрқин кўра биладиган ўқувчиларга таълим-тарбия беришади.

**А. РАҲИМОВ суҳбатлашди**

**«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»га биноан малака ошириш институтлари ўз фаолиятларини қандай ташкил этиши керак? Биринчи галда қилинадиган вазифалар нималардан иборат бўлиши лозим? Бу борада Андижон вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида олиб борилаётган ишлар билан танишинг.**

## ИНСТИТУТНИ МАКТАБГА ЯҚИНЛАШТИРАДИГАН ТАДБИРЛАР

*Сўнгги пайтларда тез-тез такрорланиб қолган тадбир, тадбиркор каби сўзлар ҳам республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар аниқ кўзланган режа ва мақсад бўлишини тақозо этаётганлиги боисидан бўлса керак. Андижон вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ҳам таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни батартиб ҳолда ўз илм масканида акс эттириш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқди.*

*Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»дан келиб чиқадиган вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тадбирларига ҳамоҳанг тузилган бу ҳужжат ушбу институтнинг бундан буёнги фаолияти йўналишини белгилаб берувчи асосий манба, десак муболаға бўлмас. Унда институт тизимини, моддий-техник таъминотини, молиявий аҳволини, кадрлар билан таъминланиш даражасини ва таълим бериш услубларини замонавийлаштириш, такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирлар аниқ муддати ҳамда ижрочи масъул шахслари билан берилган.*

*Институт миллий Дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичида қилаётган ишлари, асосан ташкилий жиҳат билан боғлиқ. Амалдаги мавжуд педагог кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимининг ижобий томонларини сақлаб қолиш ва мунтазам равишда янги педагогик технологияларни жорий этиб бориш, шунга монанд институт, шаҳар, туман метод кабинетлар иш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ҳуқуқий, моддий-молиявий шарт-шароитларни яратиш биринчи галдаги вазифа сифатида қайд этилган. Кафедра, бўлимлар тизимини такомиллаштириш, ўқув хоналари ва лабораторияларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, институт ҳовлисини ободонлаштириш каби юмушлар ҳам шу босқичда қилинадиган зарурий ишлар қаторига қўйилган.*

*Иккинчи ҳамда учинчи босқичларда бажарилиши кўзланган ишлар асосан таълим мазмуни билан боғлиқ. Аввало, миллий Дастурда назарда тутилган вазифалардан келиб чиқилган ҳолда институт ходимлари малакасини ошириш, мактабгача, ўрта умум, ўрта махсус таълим, мактабдан ташқари муассасалар таълим дастурига мос малака ошириш курслари дастурини ишлаб чиқиш, шу ўринда фанлар бўйича тавсиялар, қўлланмалар тайёрлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланган. Шунингдек, тадбирлар ичида жойлардаги тажрибаларни ўрганиш, уларни жамлаш ва кенг тарғиб этиш билан боғлиқ яна бир қатор вазифалар борки, уларнинг ҳаммаси институт фаолиятини замонавийлаштиришга, самарали таълимни ташкил этишга бевосита ёрдам беради.*

*Тадбирлар сифатида белгиланган ва айни шу кунларда ижроси таъминланаётган талайгина режалар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг тарғиботига тааллуқли. Улардан кўзланган асосий мақсад, имкон қадар бу ўқувлар доирасини кенгайтириш, турли шаклларини қўллаш ва якуний натижада ушбу иккала муҳим ҳужжат мазмунини пишиқ-пухта қилиб вилоят педагогларининг ҳар бирига сингдириш.*

*Таълим жараёнини ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган ҳамда ҳозирда ислоҳотлар мазмунига мослаб ўзгартирилиши лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш ҳам тадбирларда белгиланган. Барча йўналишлар бўйича бу борада аниқ тавсиялар ва кўрсатмалар берилган.*

*Миллий Дастур асосида узлуксиз таълимни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини таъминлашдаги малака ошириш институтининг зиммасидаги ишлар таълимнинг барча йўналиши бўйича аниқлаб олинган.*

*Тадбирларнинг «Малака ошириш институтида ўқув жараёнини такомиллаштириш» бўлими, айниқса, диққатга молик. Ундаги ўзига хос бир неча ёндашувларни санаб ўтиш ўринли: педагог кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашнинг шаҳар, туман ХТБ, таълим муассасаси билан ҳамкорликда тоифалар бўйича истиқбол режасини тузиш; малака ошириш курси тоифалар кесимида аттестация якунига кўра ўқиш муддатларини (6, 12, 18, 24 кунлик, 1, 3, 6 ойлик курслар) белгилаш; ҳар бир курс авалида ва сўнгида тингловчиларни диагностик таҳлилдан ўтказиш асосида табақалашган малака ошириш тизимини ташкил этиш. Малака оширишга янгича ёндашувни ўзида мужассам этган бу каби тадбирлар сонини яна давом эттириш мумкин. Андижон вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг биз юқорида қисқача баёнини келтирган тадбирлари айни кунда жуда муҳим бўлган бир ҳолни, яъни бевосита таълим-тарбия муассасалари билан малака ошириш институтлари ўртасидаги масофани бир қадар яқинлаштирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ўйлаймизки, ташаббускор, янгиликларга хайрихоҳ, ҳамиша изланишда бўлган бу институтнинг аҳил жамоаси олдиларига қўйган улкан вазифаларни сидқидилдан бажаришиб, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши учун сув ва ҳаводек зарур — таълим ва тарбия соҳасида ҳар доим фаол бўлишади.*

**А. ЭРНАЗАРОВ**

## ИЖОДКОРЛИК, ИЗЛАНИШ, МАҲОРАТ

***Малака ошириш институтлари мавқеини белгиловчи, ўзига хослигини таъминловчи асосий мезон — уларда олиб борилаётган илмий изланишлар ва шулар натижасида юзага келадиган қўлланмалар, тавсиялар, ишланмалар. Андижон вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтида бу иш анча яхши йўлга қўйилган. Қуйида ушбу изланишлар самараси бўлган бир қанча рисолаларнинг қисқача мазмуни баён этилди:***

**Турдиев Л., Аҳлимирзаев., Эргашев М. Математика (математика ўқитувчилари ва мактаб ўқувчилари учун услубий тавсиянома).**

Мазкур тавсияномадаги тест-синов топшириқлари умумтаълим мактаблари учун чиқарилган дастур ва қўлланмалар асосида тайёрланган бўлиб, ундан мактабни битириш, синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларида, мактаб олимпиадаларига тайёрлашда ҳамда ўз билимини мустақил равишда оширмоқчи бўлганлар, умуман олганда математика фанига қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

**Табиий фанлардан тест топшириқлари тўплами. Тузувчилар: Ж. Ашуров, С. Ниёзматов, Р. Қобулов.**

Методик қўлланма кимё, биология ва физика фани бўйича танлов имтиҳонларига тайёргарлик кўриш учун ёзилган. Қўлланмада ҳар бир фандан 50 тадан 150 тагача тест топшириқлари берилган. Тестларни тузишда умумтаълим мактабининг кимё, биология ва физика курсларининг дастури кенг қамраб олинган.

**В. ҚОДИРОВ. Ўзбек адабиёти тарихи фанидан мураккаблаштирилган тест топшириқлари.**

Тавсияномадаги тест топшириқлари олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта мактаб, лицей ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, 346 та тест топшириғи берилган.

**Экологиядан дастур (умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари учун). Тузувчилар: Абдумуталибов А., Ниёзматов., Рўзиматов С.**

Дастур ўқув режа асосида экология ва табиатни муҳофаза қилиш курси бўйича тузилган бўлиб, ўқитувчиларга ёрдам сифатида ёзилган. Шунингдек дастурдан фақат экологиядан дарс берувчилар эмас, балки барча ўқув предмети ўқитувчилари ҳам фойдаланиши мумкин. Унда амалий машғулотлар мавзуси ҳам берилган.

**Ж. ХАЛИЛОВ. Мактабда гидрологиядан амалий машғулотлар (табиатшунослик ва география ўқитувчиларига методик қўлланма).**

Қўлланмада гидрологияга оид амалий машғулотларни ташкил қилиш намуналари баён қилинади. Шунингдек, қўлланмада ўқув-тажриба участкаларидаги ишлар, экскурсиялар, йўриқлар, дарсдан ташқари машғулотлар ва тўгарак ишлари ҳам ёритиб берилади. Тўққиз йиллик мактаб география дастурида ўрганилиши кўзда тутилган асосий гидрологик объектларга оид амалий ишлар ҳам қўлланмада эътиборга олинган.

**Ж. ХАЛИЛОВ. Мактабда гидрология (ўқитувчилар учун қўлланма).**

Ушбу методик қўлланма ўрта мактаб география ва табиатшунослик ўқитувчилари ҳамда юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда мактаб география курсининг гидрология бўлимига оид назарий ва амалий машғулотлар ва уларни ўтказиш бўйича маҳаллий материаллар ёритилган.

**Э. Дадахўжаев., М. Ботиров. Физика кабинетини фан ва техника ютуқлари асосида жиҳозлаш. Тошкент, «Ўқитувчи» — 1984.**

Мазкур қўлланма физика кабинетлари ва лабораторияларини маҳаллий шароитга мослаб жиҳозлашнинг энг қулай ва намунали вариантлари ва улардан дарс жараёнида ҳамда синфдан ташқари машғулотларда фойдаланишнинг изчил йўллари билан таништиради. Қўлланма физика ўқитувчилари, физика-техника тўгарак раҳбарлари ва бўлажак физика ўқитувчилари учун мўлжалланган.

**ДАДАХЎЖАЕВ Э. Тест савол-жавоблар тўплами.**

Рисола халқ таълими тизимида ишлаётган раҳбар ходимлар учун мўлжалланган бўлиб, унда педагогик раҳбарлик учун педагогик, психологик, қонуншунослик, ғоявий мафкура, иқтисодий таълим асосларига оид савол-топшириклар ўз ифодасини топган. Айниқса қўлланмадан ёш раҳбарлар ўзини-ўзи илмий, назарий, методик ва амалий таҳлил қилиб бориш учун фойдаланишлари мумкин.

**А. АБДУРАШИДОВ. Араб тили. 4-синф учун қўлланма.**

Услубий қўлланма араб тили ўқитувчилари учун тайёрланган. Бундан мустақил ўрганувчилар ҳам фойдаланиши мумкин. Келтирилган мисоллар расмлар орқали берилиши ҳам араб тилини ўрганувчиларга анча қулайлик яратади. Ҳарфларни тўлиқ ёзиб ўрганиш учун ўқувчига ёрдам беради.

**А. АБДУРАШИДОВ. Араб тили. 5-синф учун қўлланма.**

Мазкур қўлланма араб тилидан дарс берувчи ўқитувчиларга мўлжалланган бўлиб, дастур асосида ўқувчида 4-синфда шаклланган малакаларни мустаҳкамлайди. Ўқувчига араб тилидан ёзиш ва гап тузиш кўникмаларини беради.

## МАКТАБИМНИНГ ТАРИХИ

***Ҳар гал ўзим ўн йил таълим олган қадрдон мактабимга қадам қўйганимда ўша олис хотиралар жонланиб, болалигимга қайтгандек бўламан. Гўёки, ҳали ҳануз бу маскан биз ўқиган даврлардагидек, ҳеч бир ўзгаришсиз тургандек туюлади менга. Зеро, унинг кўриниши бир оз замонавийлашган, кўркамлашган бўлса-да, ундаги илмталабларнинг чанқоқлиги, устозларнинг фидойилиги мени шу хулосага келишимга сабабдир, балким. Яқинда шу мактабнинг фидойи ўқитувчиси Солижон Қўзиев ҳамда шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, «Наманган ҳақиқати» газетаси ходими Ёқубжон Дармоновларнинг «Ўрикзордаги қанотбахш даргоҳ» деб номланган китобчасини қўлимга олиб, юқоридаги ҳис-туйғуларга чўмиб, яна болалигимга бир сайр қилгандек бўлдим. Унда Норин туманидаги Усмон Носир номидаги 37-ўрта мактабнинг — мен ўқиган мактабнинг тарихи ёритилган.***

***Китобда ҳикоя қилинган ўқитувчилар фаолияти, ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар, ҳозирда маҳорат билан ёшларга сабоқ бераётган муаллимлар ҳақидаги лавҳалар уни ўқиган ҳар бир кишида бу эзгуликка йўғрилган маскан тўғрисида тасаввур ҳосил этади. Илм даргоҳининг ижодкор ўқитувчилари асарларидан берилган намуналар китобни янада ўқишли ҳамда сермазмун қилган. Унда ҳатто турли йилларда шу мактабда ишчи-хизматчи бўлиб ишлаганларнинг ҳам тилга олиб ўтиб кетилганлиги, кимнингки таълим-тарбия учун озгина бўлсада нафи теккан бўлса, муносиб қадр топмоғидан далолатдир.***

***Китобнинг «Истиқлол билан ҳамқадам» деб номланган бўлимида ҳозирда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг 37-мактабда қандай бажарилаётганлиги ҳамда келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар айтиб ўтилган. Бир сўз билан айтганда, ўзига хос тарихга эга бўлган ушбу мактаб ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассамлаштирган ушбу китоб унда ўқиган барча собиқ ўқувчилар, таълим-тарбия берган устозлар қалбига ўз қадрдон мактаблари-ни янада чуқурроқ жойлади.***

**Акмал РАҲМОНОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти аспирантура ва докторантура бўлими мудири**

Oqilxon Sharafiddinovning 100 yilligi oldidan

## ИЛК «АЛИФБЕ» МУАЛЛИФЛАРИДАН БИРИ



Республикамизда халқ таълими тараққиёти йўлида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, мактабларни дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш борасида жон куйдириб ишлаган, ўзининг изланувчанлиги, ижодий ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги билан чуқур таҳсинга сазовор бўлган кўпгина ўқитувчилар, илғор маърифатпарварлар, устоз-мураббийлар бўлганки, уларнинг номларини халқимиз ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади, эъзозлаб хотирлайдилар. Ана шундай олижаноб педагоглардан бири Оқилхон Шарафиддиновдир.

Оқилхон Шарафиддиновнинг номи фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиё республикалари ва Қозоғистонда ҳам маълум ва машҳурдир. Ҳақиқатан ҳам у киши таниқли, илғор ўқитувчи-услубчилардан, бошланғич таълим усталаридан бири эди. Кенг жамоатчилик айни кунларда қалби дарё устоз таваллудининг 100 йиллигини қизғин нишонламоқда.

Ёш ўқитувчилар билан бўлган бир суҳбатда Оқилхон ота шундай деган эди: «Ўқитувчи болаларга билим ва тарбия беришга, уларни оталик, оналик меҳри билан ардоқлашга, ўқувчиларнинг ҳар томонлама тўғри ўсиши ва улғайишини таъминлашга, уларда энг яхши инсоний фазилатларни яратиш ва камол топтиришга, ёш авлоднинг бахтли келажагига асос солишга, алломаларимиз айтганидек, боладан ҳақиқий инсонни яратишга даъват этилган».

Оқилхон Шарафиддинов ўзининг бу сўзларига умрининг охиригача тўла амал қилди, бутун куч-қувватини, билим ва маҳоратини халқ маорифи иши учун, хусусан, бошланғич таълимни такомиллаштириш учун бағишлади.

Дарҳақиқат, устоз-мураббий қалби пок, меҳри дарё инсонлардан бири эди. У ўз умрини ўқитувчиликка, биринчи синф ўқувчиларига таълим ва тарбия беришга, бошланғич таълим учун дарслик ва қўлланмалар тузишга бағишлади, умр бўйи болалар орасида бўлди, кичкинтойлар меҳри билан суғорилди, минг-минглаб ёшларни катта ҳаёт йўлига олиб чиқди, ўзининг шарафли ишида катта муваффақиятларга эришди; кенг жамоатчиликнинг ҳурмат-иззатига, ишончига, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Бундай инсон, олий даражадаги устоз хотираси шогирдлари қалбида умрбод сақланиб қолади.

Оқилхон Шарафиддинов 1898 йилда Тошкентда деҳқон оиласида дунёга келди. Бошланғич таълимни маҳалладаги эски мактабда олди, сўнг Хўжа Аҳрор мадрасасида ўқиди. У 19 ёшидаёқ бир неча тенгдошлари билан Тошкент уезд халқ маорифи бўлимига бориб, янги очилган мактабларда хизмат қилиш, меҳнаткаш халқ болаларини ўқитиш хоҳишини билдирди. Оқилхон отага Тўйтепа қишлоғига йўлланма берилди. Ўзига билдирилган бу юксак ишонч Оқилхонга қанот бағишлади. У қишлоқ болаларига зиё тарқатишга киришди.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Оқилхон Шарафиддинов Тошкентга қайтиб келди. Шаҳардаги 14-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия беришга киришди.

Педагог кичкинтойлар учун «Алифбе» китоби, 1-синф учун «Ўқиш китоби»ни тузди. Ўз тажрибаларида бу китобларни синади.

Мураббийнинг кўп сонли шогирдлари ичида каминага ихлослари жуда баланд эди. «Алифбе» китобини қайта тузиш зарур бўлганда бир неча олимлар ва методистлар ичидан менга ишонч билдирганларини ҳали-ҳали ҳурмат ва эҳтиром билан эслайман.

«Алифбе» — кичкинтойларнинг биринчи китоби. Бу дарсликни тузиш анча мураккаб иш. Лекин устоз раҳбарлигида дастлаб биринчи, сўнг иккинчи, учинчи вариантларини тузиб, болаларга тақдим этдик. Натижа яхши бўлди.

Ўшанда устознинг меҳнатсеварлиги, вазминлиги ва иродали эканлигини тан олиб, дарслик тузишдек машаққатли ишда сабр-тоқатли бўлиш кераклигини кўпроқ ҳис этдим. Бу менинг кейинги фаолиятимда ниҳоятда катта аҳамият касб этди. Бир сўз билан айтганда, устоздан ҳаёт дарсини олдим.

Оқилхон Шарафиддинов ўта болажон инсон эди. Болаларнинг қий-чув қилиб югуриши, эркаланиб, ўқитувчига ўз меҳрларини билдириши устозга янада куч-қувват, ғайрат бахш этарди.

Устоз билан ҳамиша дарсга қўйиладиган дидактик талаблар ҳақида суҳбатлашганимизни эслайман. Дарс — таълимнинг асоси, — дердилар Оқилхон ота. Дарҳақиқат, ҳар қандай билим, малака болаларга дарс жараёнида берилади. Уйга вазифа эса дарсда берилган билимларнинг такроридир.

Ўқувчиларни фаолликка ундовчи манбалар асосан дарсда ҳосил қилинади. Устоз бу масалага ҳам ёш ўқитувчиларнинг эътиборини тортар эдилар. Ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ишга ёндашиши ҳақида ҳам кўп гапирардилар.

1978 йили устознинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан О. Шарафиддиновнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм ишланди. Ёш авлодга арзигулик намуна вазифасини ўтайдиган бу ҳужжатли фильм халқ таълимининг ёрқин тимсоли сифатида Ўзбекистон телевидениеси томонидан намойиш қилиниб келинмоқда.

Устоз яратган «боғлар» тобора гуллаб-яшнамоқда. Юзлаб шогирдлар у бошлаган анъаналарни дадил давом эттирмоқдалар.

Устоз хотирасини улуғлаш ва ҳамиша эслаш маъносида 1996 йилда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида янги «Алифбе» китоби ҳамда 16 номдан иборат ўқув мажмуалари яратилди. Бунда О. Шарафиддиновнинг муборак номлари ҳам муаллифлар гуруҳига киритилди. Мазкур мажмуа дарсликлар танловида 1-ўринни эгаллади.

Мамлакатимизда халқ таълими, маърифат соҳасида катта ўзгаришлар рўй бераётган, таълим-тарбия ишлари тобора такомиллашаётган ҳозирги кунда Оқилхон Шарафиддиновдек катта устозни чуқур ҳурмат билан хотирлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
**педагогика фанлари доктори**

## БУНИ БАЙРАМ ДЕСА БЎЛАДИ

**Ўқув йили бошида ота-она ўз дилбанди, ҳаёти мазмуни бўлмиш фарзанди қўлидан етаклаб мактабга олиб келган эдилар. Бугунги кунга келиб ана шу болакайлар жонкуяр устозлари ёрдамида ўз саводларини чиқардилар. Янги алифбодаги китобни шариллатиб ўқийдиган бўлдилар. Барча илм даргоҳларида ўтказилаётган саводхонлик байрами бўлмиш «Алифбе» байрами Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Абдулла Қодирий номли 13-мактабнинг 1-«Б» синфида ҳам ана шундай байрам тантанаси ўтказилди.**

**Мактаб зали байрамона безатилган. Бу ерда ота-оналар, маҳалла фаоллари, меҳмонлар ва болалар ташриф буюрдилар. Ўқувчилар меҳрибон ва талабчан устозлари Умида Эргашевадан ўрганган билимлари маҳсулини чиройли чиқишларида бурро, аниқ, таъсирчан руҳда намоён эта билдилар.**

**Байрамнинг ўзгача руҳ олишига яна бир сабаб, «Ёш томошабинлар» театрининг барча болаларга таниш ва севимли санъаткорлари — Ҳабибулла Абдуллаев, Исмоил Шокиров, Абдусамат Абдуллаевлар билан ҳамкорликда ўтказилганидир. Санъаткорлар турли эртаклардан парчалар кўрсатдилар, саҳнадан туриб мурғак қалбларга тарбиявий озуқа улашдилар.**

**Шоира МАЛИКОВА,**
**I-тоифали ўқитувчи**

## БИЛИМ МАСКАНИ ФИДОЙИСИ

Китобга меҳр кутубхонадан бошланади. Кутубхона эса инсон билим камолотини оширишнинг калити ҳисобланади. Бу ерда ишловчилар ахлоқ ва ибрат маданиятининг етук кишилари, илмли зиёлилар ҳисобланишади...

Ана шундай зиёлилар сирасида Флера опа алоҳида мавқе эгаллайди. У эсини танибдики, кутубхонашунослик билан шуғулланиб келади, элимизга маърифат тарқатиш билан машғул ҳолда фаолият кўрсатади.

Ахлоқан пок ва юмшоқ феъл бу аёл таваллудига 60 йил, кутубхона раҳбарлиги фаолиятига 40 йил тўлган бўлса, бу давр ичида ўз иш жойида катта ҳурматга ва эътиборга сазовор бўлди.

Флера Абдулҳақ қизи Галиева Қўқон муаллимлар институтининг кутубхонашунослик бўлимини тамомлагач, ўзининг фаолиятини Фарғона туманидаги марказий кутубхонада мудирликдан бошлади. Кутубхоналар хизматини ва фаолиятини талаб даражасига кўтариш, истиқлол туфайли китоблар савиясини саралаш асносида янги-янги китоблар комплексини барпо этиш, китоблар заҳирасини бойитиш сингари мақсадлар билан ушбу кутубхона асосида туман бўйича марказлашган кутубхона системаси ташкил этилди. Опа бу билим ўчоғига бош директор этиб тайинланди.

Флера опа китобхонлар билан кутубхона ходимлар ўртасида фақат илиқ муомала бўлиши - китобхонлар сонининг ошишига олиб келишини ўз шогирдларига такрор ва такрор эслатиб келадилар.

Шундан бўлса керак, опа қўл остида ҳалол ишлаб келаётган шогирдлари - Изрохон Аҳмедова, Каримжон Қўзиев, Муҳаррамхон Ашурова, Саидахон Рўзибоева, Фотимахон Раҳматуллаева, Маликахон Умржонова, Нилуфархон Тўраева, Роҳатой Аббосова, Ойдинхон Фозилова сингари кутубхонашунослар от изини той босар қабилида фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Флера опа «Аъло хизматлари учун», «Ўзбекистон кутубхона аълочиси», «Меҳнат ветерани» каби унвон ва нишонлар соҳибасидир.

Опа яқинда меҳнат нафақасига чиққан бўлсалар-да, раҳбарликни ўз шогирдларига топшириб, ўзи эса маърифат ўчоғининг юмушлари билан бандлар. Биз ана шундай ҳокисор ва меҳнатсевар инсонга узоқ умр тилаймиз.

**Каюмарс ҲАЙДАРАЛИЕВ**

## БАҲОР

**Само — гард-ғуборсиз артилган шиша,**
**Бодом шохларида ниш урар куртак.**
**Тушган рўмолини қиялаб аста,**
**Ҳадикли нигоҳин тўсар келинчак!**

**Қизчам қошидаги ўсма, толбаргак,**
**Хушбўй ялпиз сомса, кўкатлар иси.**
**Сумалак, кайвони момо, гап-гаштак,**
**Аллоҳ берган неъматларнинг бариси.**

**Андалиб чах-чахлар ўнгу сўлимда**
**Шукуҳдан роз айтар чирмандаю соз.**
**Ишқим, муҳаббатим тортиқ йўлингга**
**Хуш кел, Навбаҳорим, ёзай поёндоз!**

* * *

**Тўкай дилда не борим гўзал юрт иштиёқида,**
**Қуйиб маҳзуналар янглиғ ёр ёндирган ишқ оҳида.**
**Меҳриёрлар Ватанни деб азиз жонин фидо этса,**
**Тилойин бахту иқболни буюк халқим маёғида.**
**Азим тоғлар, гул водийлар яшнагай эл меҳнатидин,**
**Сурмишлар меҳнат нашъасин қадрдонлар гувоҳида.**
**Турғуной ашъори бирла Ватанга зарра наф етса,**
**Ёзойин мисраи сўзим юрак қоним сиёҳида.**

Ko'ngil bitiklari

## КЕЛИНЛАРГА ТИЛАК

**Тонг чоғи ҳовлилар чиннидай тоза,**
**Гуллар ол юзингдан олсин андоза.**
**Рўзғорингта меҳринг бўлсин зиёда,**
**Эл олқишин олгин сулув келинчак.**

**Тандир-тандир нонлар ёпгин бир зумда,**
**Қаро қошда ўсма, кўзингда сурма,**
**Ҳаёт йўлинг тиниқ бўлсин кўзгудай,**
**Эпчил, чаққон, зукко бўлгин келинчак.**

**Кексаларни эъзозласанг сен доим,**
**Ёрни меҳр билан кутиб мулойим.**
**Қўша бешик насиб этсин худойим,**
**Мудом бағринг бутун бўлсин келинчак!**

**Шўх-шўх кулиб, гулдай очилиб юрсанг,**
**Умр сўқмоғида мардона бўлсанг,**
**Яхшини ошириб, ёмонни кўмсанг,**
**Кўкда ой ҳам ҳавас қилар келинчак!**

**Алладай қўшиқнинг энг созин битгил,**
**Неки либос бўлса, энг бозин тиккил.**
**Момолар руҳини мудом ёд этгил**
**Элга манзур бўлгин маъсум келинчак!**

**Турғуной АББОС қизи,**
**Чортоқ шаҳридаги иқтидорли болалар лицейи муаллимаси**



Илк мутолаа ҳайрати

Rivoyatlar

## ОҚИЛ ОТАНИНГ СИНОВИ

Буюк форс шоири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида қадимги афсонавий Эрон подшоҳи, адолатпарвар ҳукмдор Фаридуннинг уч ўғли бўлганлиги ҳикоя қилинади. У ўз ўғилларини синамоқчи бўлади. Улар овга кетганларида Фаридун аждар қиёфасига кириб, уларга бирма-бир ҳужум қилади. Унинг катта ўғли аждарни кўриб, ўзини панага олиб қочади, яъни ўзини бекорга хатарга урмайди. Подшо унга: «Ақли бору, жасоратсиз», — деб баҳо беради. Ўртанча ўғли эса ўзига ҳужум қилган аждарга дўқ уриб, унга тик ташланади. Отаси унга: «Жасорати зўру, аммо ақлу тадбиркорлик етишмайди», деб баҳо беради. Кичик ўғли эса, аждарни кўргач: «Эй аждаҳо, биз уч оға-инимиз, бир бўлиб ҳужум қилсак, сени мажақлаб ташлаймиз. Яхшиси, ортингга қайт!» — дейди. Отаси унинг ақлли, жасур ва шу билан бирликда тадбиркор эканлигини сезади. Кейин уларнинг лаёқатига қараб турли мамлакатларга подшо қилади.

## ХИЗР МАЪНИСИ — ЯШИЛ БЎЛУР

Хўжа Хизр ҳақидаги ривоят жуда кенг тарқалгани рост. Кекса қарияю кампир бувиларимиз фарзандларини дуо қилишганда «Илоҳо, Хўжа Хизр бувам қўлласинлар», деб тилак тилашади. Оллоҳнинг марҳамати билан абадий тириклик ато этилган Хўжа Хизр дунёни кезиб юраркан, у фақат имон-эътиқодли, дили пок одамларга йўлиқаркан, унинг назари тушган киши бахтли-омадли бўларкан, ишлари юришаркан. «Агарда Хўжа Хизрнинг назари тушмаса, молбозорга даллол ҳам бўлиш қийин», деган маталнии ҳам эшитгандирсиз. Яна қишлоғимда қўл олиб сўрашганда кишининг бош бармоғини сиқиб кўришадиган одамларни биламан. Эмишки, ҳазрати Хизрнинг бош бармоғининг суяги йўқ, юмшоқ бўлармиш, уни шу белгидан таниб олиш мумкин эмиш.

Булар — афсонавий табаррук инсон ҳақидаги ҳаётда ўрганган-билганларим. Энди азиз-анбиёлар ҳақидаги қадимий китоб — «Қисаси Рабғузий»да ўқиганларимга келайлик. Бу китобда Хизр ҳақида икки жойда ҳикоя қилинади. Бирида у доно, билимдон авлиё сифатида нақл этилади, пайғамбар Мусо алайҳиссалом ундан билим ва инсоний ҳикматларни ўрганади. Иккинчи ҳикояда эса Хизр ҳақида шундай дейилади:

«Хизр маъниси — яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтурса ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Айтмишлар: Қаю ерда ўлтурса ул ер кўкарур эрди. Баъзилар айдилар — яловоч эрмас, солиҳ, муслиҳ (яхшилик қилувчи — М. Х.) эрди. Тағи сайрамлиғ, Бани Исроилда улғарди. Мангу суйин ичиб тирик қолди».

Тарих-тарихлардан қолган бу маълумотларни ўқиб ҳайратдан ёқамни ушлайман: Хўжа Хизр бизнинг ҳамюртимиз — Сайрамдан эканлар. Яна, қаерга борса шу ерни яшнатган, тоғу тошларга, саҳроларга яшиллик бахш этар эканлар. Дарахт экиш, уруғ сочиб ер юзини яшнатиш шу бобомиздан мерос қолган экан. Демак, бу афсонавий ҳикоядан мақсад ота-боболаримизнинг биз — авлодларига: «Тер тўкиб меҳнат қил, ер юзини яшнат, шундагина ўлмайсан, номинг абадий қолади», деган буюк насиҳати, васияти эмасмикин?

Азиз ўқувчим, ҳеч қачон эсдан чиқарманг, Хизрнинг маъноси — яшиллик дегани. Ер юзини яшнатинг, табиатни асранг, бундан ортиқ савоб иш йўқ. Ана шундагина мангуликка дахлдор бўласиз!

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

Sport

### ФУТБОЛ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

**Орзиқиб кутилган дамлар - футбол бўйича Ўзбекистон еттинчи миллий чемпионати эшик қоқиб келди. Бу йилги мусобақалар ҳар йилгидан бошқача бўлиши турган гап. Энг сўнгги янгилик шундан иборатки, бу йил олий лигада ҳаммаси бўлиб 16 команда иштирок этади. Шунингдек, терма командамиз 13-Осиё ўйинлари баҳсида қатнашади.**

### ДЕМАК, БУГУН...

**«Навбаҳор» — «Пахтакор», «Зарафшон» — «Насаф», «Металлург» — «Дўстлик», «Хоразм» — «Трактор», «Сурхон» — «Нефтчи», «Сўғдиёна» — «Андижон», «Бухоро» — «Темирйўлчи» командалари учрашади. Эртага ўтказиладиган «Косонсой» — МҲСК учрашуви билан биринчи тур ўйинларига якун ясалади.**

### МАРАДОНА НЕГА ЙЎҚ?

**Яқинда Аргентина ва Болгария футбол терма командалари ўзаро ўртоқлик учрашувини ўтказдилар. Унда Аргентина футболчилари 2:0 ҳисобида ғолиб чиқишди. Аммо майдон эгалари таркибида негадир Марадона кўринмади. Эҳтимол, улар «қирол»нинг маҳоратини рақибларидан сир тутаётгандир.**

### АРТУР + МАРКО = 6!

**Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Артур Григорян Гамбургда олтинчи бор олтин камарини ҳимоя қилди. Унинг бу галги рақиби германиялик Марко Рудольф олтинчи раунддан сўнг жангни тўхтатишга ва Артурга таслим бўлишга рози бўлди. Демак, Артур олтинчи бор жаҳон чемпионлигига эришди.**



maydonchasi

### БИЛГАНИМДА ОЛМАСДИМ

Бекобод тармоқ ички ишлар бўлинмасига икки қиз ийманибгина кириб келишди. Бўлинма ходимларининг «Хўш хизмат», — деган саволларига, «Сумкамизни ўғирлатиб қўйдик», деб арзини айтишга тушиб кетдилар.

Дарвоқе, Тожикистон Республикаси Нов туманидаги Хоштуяк қишлоғида яшовчи бу икки талаба қиз Конибодом шаҳридаги билим юртларидан бирида таҳсил олар экан. Уйидан ўқишга қайтаётган қизлар жами таннархи 8 минг сўмлик бўлган сумкасини ўғирлатиб қўйганига ачиниб, ёрдам сўраб келишибди.

Тармоқ ички ишлар ходимлари зудлик билан ишга киришиб кетдилар. Кўп ўтмай сумка ўғриси ашёвий далил билан қўлга олинди. Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида яшовчи бу кишининг ёши элликка яқинлашиб қолган бўлсада, боласи тенги талабаларнинг сумкасини ўғирлаб юргани ички ишлар ходимларини ҳам бироз таажжубга солди. Шунда терговчи: «Наҳотки, талаба қизларнинг сумкасини ўғирладингиз», — деганида, у ерга қараганча, «Кечиринглар қизларим, сизларники эканлигини билганимда олмасдим» дейди.

Демак, бошқаларники бўлса яна ўғирлаб кетар экансизда, деган фикрга келган ички ишлар ходимлари унинг ўтмиши билан ҳам батафсил танишмоқдалар.

Ma'rifatsiz kishilar

### КОМПЬЮТЕРНИ ТУШУНАРКАНУ, АММО..

Тошкент юк бекатида жойлашган омборхоналардан бирининг бошлиғидан ариза келиб тушгач, ички ишлар ходимлари «Буни компьютерни тушунадиган киши ўғирлаган» — деган фикрга келишди. Негаки, аризада омбордан нархи 176 минг 344 сўмлик бир дона компьютер принтери билан ва 5 дона ток билан ишлайдиган бурғулар йўқолганлиги кўрсатилганди-да.

Шундай қилиб, нақлиёт ички ишлар ходимлари тезкор тадбирларни бошлаб юбордилар. Кўп ўтмай ўғри топилди. Ҳамза туманининг Мальков кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи, шаҳардаги 1-қурилиш таъмирлаш корхонасида ишловчи 19 ёшли Дмитрий В. нинг уйидан ашёвий далиллар бус-бутун олиб келиниб, омборга қайтариладиган бўлди.

Дарҳақиқат, ички ишлар ходимларининг айтганларича бор экан. Дмитрийжонга устозлари ва дадаси компьютерда ишлашни, ундан фойдаланишни ўргатишган экану, аммо компьютерни ўғирлаш жиноят эканлигини бир оғиз айтишмаган чоғи. Бўлмаса компьютерга «тиши ўтган» йигитчанинг ақли наҳотки шунга етмай қолади.

Хуллас, буёғини терговчиларга қўйиб берайликда, ёшларимиз ўртасида учраётган ўғирликларга беэътибор бўлмайлик.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**милиция катта лейтенанти**

## ҚУТЛОВ

***Ҳурматли ҳамкасбимиз Холида опа АЗИЗОВА!***

***Сиз, етмиш йиллик умрининг эллик йилини мактабга, бошланғич синф болаларига бахшида этган ва бундан бахт топган азиз инсонсиз. Сизни таваллуд топган кунингиз билан қутлар эканмиз, фаолиятингиз бундан буён ҳам асло сусаймаслигини, оилангиздан тинчлик, фаровонлик аримаслигини чин дилдан тилаб қоламиз. Ҳамиша соғ бўлинг!***

***Ҳурматли ҳамкасбимиз Рашида БАҲОДИРОВА!***

***Сизни таваллуд топган кунингизга 50 йил ва иш фаолиятингизга 30 йил тўлиши муносабати билан чин қалбдан, самимий қутлаймиз! Ҳамиша юзларингизга кулгу-табассум, ишларингизга омад ва оилангизга тинчлик-омонлик ҳамроҳ бўлсин!***

**Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги**
**70-ўрта мактаб жамоаси**

## БУРЗУЙЕ

Bulasizmi?

Бизга етиб келган тарихий маълумотларга қараганда, эрамизнинг олтинчи асрида қадимий Мерв шаҳрида Бурзуйе деган ажойиб шифокор яшаган. Бу шифокорнинг туғилган ва дунёдан ўтган вақти номаълум бўлса ҳам, замондошларининг таъкидлашича, касалларни даволаш пайтида ажойиб мўъжизалар яратган. Бурзуйе нафақат доривор ўсимликлар ёки бошқа дори-дармонлар, балки ўзидан олдинги қадимий Шарқ табибларининг даволаш сирларини тўлиқ билган ҳолда беморларни даволаган.

Жумладан, у сўз юритиш, касал билан фикрлашиш, унга нигоҳ ташлаш ҳамда экстрасенслик каби ўзининг иссиқ кафтлари билан биотоклар орқали даволаш усулларини қўллаган. Шунингдек, Бурзуйе касаллар ўртасида жисмоний машғулотлар ўтказиб ҳам яхши натижаларга эришган.

У бутун тирикликка ҳаёт ато этувчи қуёш орқали, унинг шифобахш нурлари билан ҳам даволаш сирларини билган.

Бурзуйе бутун ҳаёти давомида қадимий табиблар қўлёзмаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳар хил даволаш усулларини ўрганиб борган. Буюк шифокор инсон касаллик пайтида меҳрибонликка, меҳрибон одамларга, уларнинг ширин сўзу эзгу тилакларига ғоятда муҳтож эканлиги ҳақида ҳам айтган. Бундан ташқари мусиқа, унинг сирли оҳанги беморга ижобий таъсир этишини ҳам таъкидлаган.

Ушбу усуллар ҳозирги замонавий тиббиёт илмида ҳам кенг кўламда фойдаланилмоқда. Демак, бугунги ёш авлод Бурзуйе ва Шарқнинг бошқа буюк табибларининг даволаш усулларини билиши керак. Зеро, ҳар қанча даволашнинг муваффақияти — одамларга бўлган чексиз муҳаббатдадир.

**Павел СИЛИН,**
**Ўзбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш инспектори, кекса саёҳатчи**

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

**Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта маъсулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётта жорий қилиш мақсадида А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг апрель ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика халқ таълими вазирлигининг маъсул ходимлари, чет эллик мутахассислар ҳамда таниқли олимлар, тажрибали педагоглар маърузалар ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги янги тур мактаблар, РТМ, халқ таълими музейи ва бошқа илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади.**

| Тоифалар | Ўқиш тили | Курс санаси | Курс муддати |
|---|---|---|---|
| 1. Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари учун «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича мақсадли курс. (I оқим) | ўзбек | 20-25 | 6 |
| 2. Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари учун «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича мақсадли курс. (II оқим) | ўзбек | 27-2.V | 6 |
| 3.Ўрта мактаб директорлари. | ўзбек | 6-25 | 18 |
| 4. Болалар ва ўсмирлар ижодий маркази директорлари курси. | ўзбек | 1-14 | 12 |
| 5. «Matematika-5» дарслиги бўйича курс. | ўзбек | 6-25 | 18 |
| 6. Туркман ва рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг бошланғич синф ўзбек тили ўқитувчиларини лотин ёзувига ўргатиш курси. (Қорақалпоқ Республикасида). | ўзбек | 6-11 | 6 |
| 7. Бошланғич синф раҳбарлари учун лотин ёзуви бўйича муаллифлик курси. (М. Ғуломов) | ўзбек | 15-28 | 12 |
| 8. Янги тур мактабларнинг физика фани методбирлашма раҳбарлари. | ўзбек | 6-25 | 18 |
| 9. IBM компьютерларининг дастурий таъминоти ва улардан фойдаланиш. (Қашқадарё вилоятида) | ўзбек | 20-25 | 6 |
| 10. Информацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш: инглиз тили ўқитувчилари. | ўзбек | 1-14 | 12 |
| 11. Биологиядан ўқувчилар билимини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш. | ўзбек | 6-25 | 18 |
| 12. Мактаб амалиётчи психологлари учун курс. | ўзбек | 15-28 | 12 |
| 13. Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш. | ўзбек | 6-25 | 18 |
| 14. Янги педагогик технологияларни қўллаб кимё дарсларини ўқитиш. | ўзбек | 15-28 | 12 |
| 15. Тарих фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш. | ўзбек | 6-25 | 18 |
| 16. Янги дастур ва дарсликлар асосида рус мактабларининг рус тили ўқитувчилари. | рус | 6-25 | 18 |
| 17. Немис ва француз тили дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш. | ўзбек | 1-14 | 12 |
| 18. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг «Амалий предмет таълими» ўқитувчилари. | ўзбек | 15-28 | 12 |

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 1-3 апрель кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ва бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

**Манзилимиз: Тошкент -95. Талабалар шаҳарчаси.**
**Саидов кўчаси, 6-уй.**
**Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача**

Xullas...

### ВИНО РАККА ҚАРШИ

Француз олимларининг таъкидлашича, винони меъёрида истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун фойдали экан.

2-3 стакан вино (мусаллас)ни ичиб туриш юрак фаолиятини яхшилайди. Жанубий Францияда ўрта ёшли эркаклар ўртасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вино инсон организмида рак касаллиги ҳужайраларини йўқотиш хусусиятига эга экан. Узумдаги оксилительга қарши бирикманинг мавжудлиги кўпинча юрак-қон томир ва рак касалликларининг олдини олади. Бироқ франциялик олимлар Бахус (винонинг тури) ишқибозларига бир кунда тўрт стакандан зиёд ичмасликни маслаҳат беришди. Афсуски, тадқиқотчилар орасида бирор киши вино жигар фаолиятига жиддий талафот етказишини ҳисобга олмади...

### ҚАЁҚҚА УЧАЁТГАНИ НОМАЪЛУМ

Инсоният пессимизмга мағлуб эмас. У чексиз сарф-харажатлар билан ҳисоблашмасдан сирли коинотдан ўзига ўхшаш ақлли мавжудотларни топиш ниятида.

Америка космик станциясига қарашли «Вояджер-1» ҳозир Ер планетасидан энг узоқликдаги объектдир. У 1977 йилда учирилган. Кейинги йилларда у Ердан 10 миллиард километр оралиққа узоқлашди. Бу ажойиб аппаратнинг Ер атрофига атиги 10 соатда етиб келишини ҳисобга олсак, бунчалик узоқ масофанинг қай тариқа вужудга келганини тасаввур қилиш қийин. «Вояджер-1» қаёққа учаётганини ҳеч ким билмайди...

### ТАЛЛИНДА КЎЗ ЭПИДЕМИЯСИ

Кўздан кўра нозикроқ аъзо йўқ. «Кўз қорачиғидек асраш» деган ибора бежизга айтилган дейсизми?

Таллин аҳолисини ғаройиб вирус ҳайратга солмоқда. Жуда кўпчилик кишиларнинг кўзлари қичишиб, жонлари азобда. Буниси ҳам майли, йиринг ажралиб, коньюктивит касаллигини келтириб чиқараяпти. Таллинлик мутахассислар огоҳлантиришди: тезликда эпидемиянинг олди олинмаса, шаҳарда кўрлар кўпайиб кетиши мумкин.

Эпидемиянинг сабаби нимада? Медикларнинг фикрича, бу об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ. Яъни совуқдан иссиққа ўтиш, бошқача айтганда, баҳорги ҳароратнинг фарқи бу хавфли вируснинг тарқалишига имкон туғдирган..

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Норали ОЧИЛОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-01064. Тиражи 59313. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6